



“Тасдиқлайман”  
“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ

Ш.Юлдашев  
2022 й.

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**Танлов хужжати**

**Фарғона 2022 йил**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

Танлов предмети: Фарғона вилояти Бешариқ туманида “Катта Фарғона” каналининг ПК 2259 қисмидан янги сел ташлама иншооти куриш ишларига лойиха смета хужжатлари тайёрлаш.

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 18 465 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар уч босқичда амалага оширилади.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Фарғонасувқурилишинвест” ДМ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади. Фарғона ш. Ал-Фарғоний кўчаси 92 уй Эл.адрес: far.invest@minwater.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:

3.3. - ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари туғрисидаги маълумотлар;
  - танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
  - лицензия, гувохнома
  - иш стажи 3 йиллик олий маълумотли қурилиш ёки ирригация мелиорация мутахассислига эга мажбурий раҳбардан 1 киши мавжудлиги, 5 йиллик иш стажи эга инженер-техник ходимлар, доимий ишловчи 10 та малакали ишчилар мавжудлиги.
  - иштирокчи лойиҳа ташкилотининг молиявий ахволи.
- лойиҳа ишларини бажариш учун 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситалари(орг.техника) мавжудлиги, низом маблағи микдори.
- агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
  - куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хўкуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

#### 4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгаришиш киритиш хукуқига эга.

### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

- танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

### 6.1. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (иши, хизматни) узгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгаришилар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришилар киритилади.

8.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидаглават буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат

буортмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

8.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

8.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буортмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буортмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

8.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.